

“XXI ASR” ШАРҲИ

## ОЧИҚЛИК СИЁСАТИНИНГ ОЧИҚЧА ЭЪТИРОФИ

Самарқандда самимият ила сўзлаган Макрон, ҳайратини яширмаётган Маттарелла, Остонада олинган олий орден ёхуд ИХТга аъзо давлатлар етакчиларининг Тошкентдаги саммити **МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА**



Ҳозирги Франция – Европа Иттифоқининг юраги. Ўрта асрлардаги Франция эса кўҳна қитъадаги мамлакатлар алоқаларининг туташув нуқтаси сифатида доврақ қозонган. Гапнинг индаллосини айтганда, фаранглар илгари ҳам жаҳон сахнасида муносиб ўринга эга бўлган, бугунги кунда ҳам сиёсат оламида мустақам позицияда турибди.

Эслилик, Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI билан илиқ муносабат ўрнатгани ҳам бежиз эмас. Соҳибқироннинг ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги ташаббуси Франция қироли томонидан мамнуният билан қабул қилингани тарих китобларига битиб қўйилган. Парижда 1403 йил 15 июнда ёзилган

жавоб мактубида қуйидаги сатрларни ўқиш мумкин: “Яратганнинг марҳамати билан франклар қироли Карл VI муҳтарам ҳазрат ва музаффар подшоҳ Темурбекка салом йўллайди ва тинчлик тилайди”.

Яққол кўришиб турибдики, мазкур номада Франция билан Амир Темур давлати ўртасида савдо алоқаларини ўрнатилиши масаласига катта аҳамият қаратилган. Бу жиҳат мактубнинг якунида янада равшан кўзга ташланади: “Биз сизнинг ишларингизни, фойдали таклифларингизни қабул қиламиз, имкони бор жойларда (уларга) баробар ва ундан ортиқроқ илтифот кўрсатишига ваъда берамиз”.

ЭЪТИРОФ



## ШАРҚШУНОС ОЛИМЛАР ШАВКАТ МИРЗИЁЕВГА МУРОЖААТ ЙЎЛЛАДИ

Ўзбекистон маданий меросини ўрганиш, сақлаш ва оммалаштириш бўйича Бутунжаҳон жамиятининг (WOSCU) Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган “Ўзбекистон маданий мероси – Янги Ренессанс асоси” VII Халқаро конгресси иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевга мурожаат қабул қилинди.

“Сизнинг бошчилигингизда жорий қилинган кўп қиррали ислохотлар, жумладан, мамлакатнинг очиклиги ва халқаро муносабатларни ривожлантириш, шунингдек, фуқаролик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш туфайли Ўзбекистон маданий меросини қайта тиклаш ва оммалаштириш бўйича кенг қўламли лойиҳаларни амалга ошириш имкони яратилди. Биз Сизнинг айнан таълим, мамлакатнинг маданий меросини ўрганиш ва асраш давлатни барқарор тараққий эттириш, маърифатли келажакни куришнинг кафолати эканлиги борасидаги қарашларингизни қўллаб-қувватлаймиз. Шу туфайли “Ўзбекистон маданий мероси – Янги Ренессанс асоси” мавзуси Конгресснинг асосий ғояси бўлиб келатгани бежиз эмас” дейилади ушбу ҳужжатда.

Олимлар мамлакатимиз маданий меросини сақлаш ва оммалаштириш зарурлигини алоҳида таъкидлар экан, “Маданий мерос Янги Ўзбекистонни куриш йўлида мамлакат фаол фойдаланаётган энг муҳим бойликдир. Айнан у миллатнинг маданий қодини асраб-авайлаш ва уни авлоддан авлодга етказиш кафолати ҳисобланади”, дея қайд этдилар.

Мурожаатда ёзилишича, “Ўзбекистон маданий мероси” туркумининг 70 жилди, махсус ва оммабоп нашрлар, “Ўзбекистон обидаларидаги битиклар” туркумининг 16

жилди, қадимий қўлёзма ёдгорликлар факсимиле нусхалари ва кўллаб бошқа нашрларни чоп этиш Бутунжаҳон жамиятининг кейинги йиллардаги фаолияти самараси бўлди. Ўзбекистон тарихида илк бор 50 дан ортиқ хорижий тўпламлардаги Ўзбекистоннинг 100 нафар тарихий шахсларига оид 200 дан ортиқ миниатюралар бир нашрда жамлаб чоп этилди. Буларнинг барчаси бевосита Сизнинг шахсан кўрсатган эътиборингиз ва мамлакат ҳукуматининг доимий ёрдами туфайли амалга оширилди”.

Эътиборли жиҳати, “Ўзбекистон маданий мероси – Янги Ренессанс асоси” VII Халқаро конгрессининг якуний йиғилишида умумий овоз бериш билан қабул қилинган мурожаатда истиқболга мўлжалланган режалар ҳақида ҳам тўхталиб ўтилган:

“Бутунжаҳон жамияти келгусида “Шарқ миниатюрасида Ўзбекистон тарихий шахслари” лойиҳасини давом эттириш, Ўзбекистон мусиқий меросининг “Олтин фонди”ни яратиш, кўп тилли видео-лекторий ташкил қилиш, ҳужжатли ва илмий-оммабоп фильмларни тайёрлаш ва тақдим этиш, миллий минтақавий музейлар тўпламларини нашр қилиш ва бошқа кўллаб ишларни режалаштирган. Ўзбекистон меъморий ва археология ёдгорликлари каталогларини чоп этиш жаҳон илм-фани учун долзарб, деб ҳисоблаймиз ва бу борада ҳукумат ёрдамидан умидворимиз”.

“Биз жаҳон илмий ҳамжамияти учун ниҳоятда муҳим бўлган формулар, конгресслар ва кўргазмаларни ўтказиш учун кенг имконият яратганингиз учун Сизга чуқур миннатдорлик билдираемиз. Шу кунларда биз Сизнинг ташаббусингиз билан яратилган бетақрор Самарқанд сайёҳлик маркази ва кўҳна Самарқанднинг жозибали “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик боғи билан катта ҳаяжон ила танишмоқдамиз”, – дея яқунланади Конгресс иштирокчиларининг мурожаати.

XXI АСРНИНГ 24-ЙИЛИДА  
ҲАМ “XXI asr”  
БИЛАН БИРГА БЎЛИНГ!

ОБУНА 2024



Обуна индекси – 406.  
Мурожаат учун телефон: 71 255 68 50.

O'zLiDeP ФРАКЦИЯСИДА

# ЯНГИ ЙИЛНИНГ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИХАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ, ХЎШ!..

Жорий йилнинг 6 ноябрь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги О'зЛиДеР фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда депутатлар дастлаб "2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг давлат бюджети тўғрисида"ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда кўриб чиқдилар.



**Адҳам ШОДМОНОВ,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

– Давлат бюджети мамлакатнинг даромадлари ва харажатлари рўйхатини ўзда ифодаловчи асосий молиявий ҳужжатдир. Шу боис охириги йилларда бюджет маблағларининг шаклланиши ва сарфланиши устидан парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бюджетга оид алоҳида қонуннинг қабул қилиниши эса бутун мамлакат тараққиёти ва ҳар бир фуқаро ҳаётига бевосита дахлдор бўлган масалага янада жиддийроқ қаралаётганидан далolat беради.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасининг асосий мақсади 2024 йил учун Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджетини шакллантириш ва ижро этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишдан иборат.



**Мадина БАРАТОВА,**  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,  
О'зЛиДеР фракцияси аъзоси:

– 17 моддадан иборат қонун лойиҳасидан келгуси йилда мамлакатимиз давлат бюджетининг асосий параметрлари жой олган. Ҳужжат билан маҳаллий давлат органларининг мустақиллигини ошириш ва маҳаллий бюджетлар балансини таъминлаш мақсадида Солиқ қўмитаси ва Кадастр агентлигининг ҳудудий органларини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудлардаги Халқ қабулхоналарини ҳамда касб-ҳунар мактаблари, коллежлар ва техникумларни сақлаш харажатлари, шунингдек, суд бошқарувлари меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ харажатлар маҳаллий бюджетлардан молиялаштирилиши белгиланмоқда.

Навбатдаги масала 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини "Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили"да амалга оширишга оид давлат дастурининг 2023 йил тўққиз ойи якуни бўйича бажарилгани юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи бўлди. Халқ ноиблари ҳисоботи кўриб чиқиш чоғида партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, давлат дастурининг миллий иқтисодийни жадал ривожлантириш, юқори ўсish суръатларини таъминлаш бўйича амалга оширилган ишларга алоҳида эътибор қаратди.

Ҳисобот даврида "Рақамли технологиялар ва сунъий интеллект соҳасидаги илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш дастури" тасдиқлангани, унинг доирасида сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш бўйича умумий қиймати 33,6 млрд сўмга тенг 20 та лойиҳа молиялаштирилгани фракция аъзолари томонидан алоҳида қайд этилди.

Жорий йилнинг 9 ойи давомида О'зЛиДеР сайловолди дастурининг муҳим йўналишларидан яна

бири – қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилган самарали ишлар ҳам депутатлар томонидан ижобий баҳоланди. Утган даврда деҳқон ҳўжаликларини тадбиркорга, ер эгасига айлантириш, бунинг ҳисобига қишлоқларда ижтимоий муаммолар, аввало, ишсизлик ва камбағаллик масаласини ҳал этиш мақсадида тасдиқланган чора-тадбирлар дастурлари доирасида 88,6 минг гектар ер майдонлари "e-auksion" электрон савдо платформасида очиқ электрон танловларга чиқарилган ҳолда, 236,9 минг нафар фўлибларга ажратиб берилгани эътироф этилди.

Йиғилишда фракция аъзолари томонидан давлат дастурининг ижроси юзасидан қатор саволлар берилди, асосли таклифлар билдирилди. Уларнинг барча саволларига тегишли вазирликлар масъуллари атрофида жавоб қайтарди.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг, давлат дастурининг ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи маъқулланди.

**Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,**  
"XXI asr" муҳбири

ИСЛОҲОТ ВА САМАРА



## ҲОСИЛДОРЛИК БЎЙИЧА ЎЗБЕКИСТОН – БИРИНЧИ! НАТИЖАДОРЛИК ҲАМ ЧАККИМАС

**Барчамизга маълум: мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги бўйича катта салоҳиятга эга. Республика-миз ялпи ички маҳсулотининг тўртдан бири – 25,1 фоизи айнан мазкур соҳага тўғри келади. Шу билан бирга аҳолининг қарийб 24,9 фоизи, яъни 3,5 миллион киши қишлоқ ҳўжалиги соҳасида иш билан банд.**

Бинобарин, кейинги етти йилда Президентимиз раҳбарлигида қишлоқ ҳўжалигида чуқур таркибий ислохотлар амалга оширилди. Жумладан, қишлоқ ҳўжалигида бозор муносабатларини жорий этиш, қайта ишлаш ва экспорт инфратузилмасини ривожлантириш, фермер ва деҳқонларнинг даромадини ошириш юзасидан бир қанча чора-тадбирлар амалга оширилди. Соҳанинг ҳуқуқий базасини такомиллаштириш, мустаҳкамлашга қаратилган ўнлаб қарор, фармон ва қонунлар, шунингдек, юздан зиёд ҳукумат қарори қабул қилинди, низоом ва тартиб-тамоийиллар ишлаб чиқилди.

Жумладан, ерларни иқтисодий оборотга киритиш, уларни олди-сотди ва гаров объектига айлантириш пухта йўлга қўйилди. Қолаверса, барча ерлар 2 та тоифага – қишлоқ ҳўжалиги ерлари ва ноқишлоқ ерларга ажратилди. Бу ерлар очиқ танлов асосида фақат ижарага берилди. Танлов эса ҳар бир ер участкаси бўйича "бу ерни олишга ким энг кўп ҳақли?" деган саволга адолатли жавоб топиш учун ўтказилади. Бу танловда барча – деҳқон ҳам, фермер ҳам, агрофирма ва кластерлар ҳам тенг шартларда иштирок этади.

Аграр ислохотлар хусусида сўз юритар эканмиз, Президентнинг 2019 йил 17 июндаги фармони билан тасдиқланган Қишлоқ ҳўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш концепциясини алоҳида тилга олиш жоиз. Унга мувофиқ йиллар давомида фойдаланишдан чиқиб кетган 1,1 миллион гектар майдонни 2030 йилга қадар босқичма-босқич фойдаланишга киритиш белгиланган эди. Тизимли чора-тадбирлар натижасида 2019-2021 йилларда жами 363,4 минг гектар қишлоқ ҳўжалиги ерлари қайта фойдаланишга киритилган бўлса, 2,4 миллион гектар майдонда тупроқ сифатини баҳолаш ишлари олиб борилди. Бугунги кунда 690,3 минг гектарда шундай жараёнлар давом этмоқда.

2016-2020 йилларда паст рентабелли 330,5 минг гектар пахта ва ғалла майдони қисқартирилиб, уларда юқори даромадли ва экспорт-боп маҳсулотлар етиштириш йўлга қўйилди. Бунинг натижасида шу йиллар давомида сабзавот ишлаб чиқариш 103, картошка 114, полиз экинлари 110 фоиз, дуккакли маҳсулотлар 3,6 баробар, мойли экинлар 240, чорва озуқаси 191, мева 107,4 ва узум етиштириш ҳажми 106 фоиз ўсди.

Ўзлаштирилган ва лалми, пахта ва ғалладан қисқартирилган ерлар ҳамда ярқисиз боғ-тоқзорлар бўлган 69,6 минг гектар майдонда интенсив мевали боғ ва 57 минг гектар тоқзор барпо этилди. Бу йил ушбу кўрсаткич янада ошиб, баҳор мавсумида 63,8 минг гектар мевали боғ ва 37,5 минг гектар тоқзор яратилди.

Энг муҳими, юртимизда фермер ва деҳқон ҳўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш масаласига алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада талай механизмлар жорий қилинди. Фермер ва деҳқон ҳўжаликларига имтиёзлар, енгилликлар берилляпти. Зарур уруғлик, минерал ўғит ва бошқа ресурслар фермернинг даласи бошига етказиб берилиб, барча турдаги хиз-

матлар кўрсатилляпти. Бугун соҳага қаратилляётган юксак эътибор натижасида юртимизда фаолият юрляётган фермер ҳўжаликлари сони 107 мингдан ошди. Бу 2017 йилга нисбатан 40 фоизга кўп, демокдир. Қисқача айтганда, бугунги кунда юртимиз деҳқону фермерлари фаолият юритиши учун барча шарт-шароит муҳайё қилинди.

Холисона эътироф этиш керак: Ўзбекистоннинг яқин тарихида аграр соҳа бунчалик қўллаб-қувватланмаган, бунчалик катта эътибор қаратилмаган эди. Мисли кўрилмаган эътибор ва рағбат эса мисли кўрилмаган натижаларга замин яратди. Статистик маълумотларга кўра, бир гектар экин майдонидан олинган ҳосил миқдори бўйича Ўзбекистон қишлоқ ҳўжалиги борасида кўллаб илғор мамлакатларни, жумладан, Аргентина, АҚШ, Франция, Бразилия, Германия, Буоқ Британия, Россия ва бошқаларни ортда қолдириб, **БИРИНЧИ УРИНГА ЧИҚДИ!** Бу ютуқ аграр соҳага оид сиёсатнинг нечоғли оқилона эканлигини, ислохотларни тўғри белгилаб олганимизни яна бир бора намойиш этмоқда.

Эришилган мазкур муваффақият чегара эмас. 2022-2023 йилларда 193 минг гектар ер майдонларининг аҳолига ижарага берилиши ҳисобига кўшимча 2,5-3 млн тонна қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштирилиши, шу йили кўшимча 100 минг гектар ер майдонларида сув тежовчи технологиялар жорий этилиши эвазига ҳосилдорлигининг 10-15 фоизга ошиши кутилмоқда.

Шунингдек, жорий йилда 428 трлн сўмлик қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши ҳамда 2022 йилга нисбатан 3,7 фоизга ўсиши кутилляпти.

2024 йилда тегишли дастурлар асосида талай ишлар амалга оширилиши ҳам эътиборга молик. Пахтада 8 та ва ғаллада 12 та янги, тегишар, серҳосил навларни танлаш ва жойлаштириш, пахта ва ғалла майдонларининг 40-50 фоизида замонавий ресурс тежамкор технологияларни татбиқ қилиш ҳисобига пахта ҳосилдорлиги ўртача 6 фоизга ошириляпти. Сабзавотчиликда 30 минг гектарда интенсив усулда маҳсулот етиштириш ҳамда ғалладан бўшаган 780 минг гектар экин майдонларида такрорий экинларни экин тадбирлари бажарилляпти. Суғориш тизимини ривожлантириш ва чекланган сув ресурсларини иқтисод қилиш чора-тадбирлари доирасида келгуси йилда суғориш тизимини тиклаш ва сув ҳисобини юритишга 3 трлн сўм ажратилляпти. Бошқа чора-тадбирлар амалга оширилиши ҳам мўлжалланляпти.

Президентимиз томонидан тасдиқланган "Ўзбекистон – 2030" стратегиясида мазкур бошланган ислохотлар яна давом эттириляпти. Стратегиянинг қишлоқ ҳўжалигида ҳосилдорлик ва рентабеллик даражасини кескин ошириш масаласида ҳам қатор ташаббуслар кўзда тутилган. Унга кўра, бир гектардан олинган ўртача даромадни 5 минг долларга етказиш, қишлоқ ҳўжалиги соҳасида экспорт ҳажминини йилига 10 миллиард долларга етказиш мақсад қилинган.

Хулоса шуки, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида олиб борилляётган ислохотлар халқимизнинг фаровон турмуш кечириши, юртимиз тараққиётини таъминлашининг кафолати бўлиб хизмат қилляпти. Энг муҳими, бу янгилашни ва ўзгаришларни одамлар ўз хаётида сезмоқда.

**Бахтиёр РУҲИТДИНОВ,**  
О'зЛиДеР Сиёсий Кенгаши  
Ижроия қўмитаси  
Бизнес тузилмалар ва фермерлар  
билан ишлаш бўлими мудир

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг ҳар бир моддасини синчиклаб таҳлил қилар экан, партиянинг мақсад-вазифаларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳани янада такомиллаштириш, пишшиқ-пухта ҳолатга келтириш юзасидан ўз таклифларини билдирди.

Хусусан, фракция аъзоси Атҳам Назиркулов Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ҳамда Таълим кредитини молиялаштириш жамғармаларига ажратилляётган маблағларнинг мақсади сарфланиши, орбит қолган маблағни эса бошқа харажатларга йўналтириш мумкинлигига оид саволни ўртага ташлади. Қонун ташаббускорлари мазкур савол юзасидан асосланган жавоблар берилди.

Фракция аъзоси Равшан Мамутов эса сув омборлари ва сув

омборлари хавф даражаси юқори бўлган объектлар учун техник ҳолатни яхшилашга тегишли маблағ ажратилляётгани, яқинда қабул қилинган "Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида"ги қонунда хавфсизликни таъминлаш бўйича бир қатор тадбирлар белгилангани, унинг ижроси бўйича лойиҳада қандай чора-тадбирлар кўзда тутилмоқда, деган савол билан муножаат қилди. Масъул вазирлик вакиллари кўтарилган савол юзасидан тушунтиришлар берди.

Депутатлар – Нодир Абдувалиев ва Дониёр Ғаниев ҳам қонун лойиҳаси юзасидан қатор саволларни ўртага ташлашди ва мутасаддилардан ушбу масалалар бўйича изоҳлар сўрашди. Қизғин баҳс-мунозара ва узоқ давом савол-жавоблардан сўнг қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қўллаб-қувватланди.

# ОЧИҚЛИК СИЁСАТИНИНГ ОЧИҚЧА ЭЪТИРОФИ

**Самарқандда самимият ила сўзлаган Макрон, ҳайратини яширмаётган Маттарелла, Остонада олинган олий ордэн ёхуд ИХТга аъзо давлатлар етакчиларининг Тошкентдаги саммити моҳияти ва аҳамияти хусусида**

◀ Бошланиши 1-саҳифада.

## МИТТЕРАННИНГ ЛУТФИ: ФРАНЦУЗЛАР ВА ХИВА

Шонли ўтмишнинг ёрқин саҳифаларини қайта варақлаш боиси аён, албатта. Сабаби, мамлакатимизга расмий ташриф билан келган Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан саломлашган онидан тортиб, то юртига жўнаб кетгунича самимий мулоҳазалар билдиришдан чарчамади.

“Биз сизнинг очиклик сиёсатингизни очик эътироф этамиз”, “Биз сиз таллаган лойиҳаларни амалга оширишда кўмак беришга тайёрмиз”, “Фойдали таклиф ва ташаббусларингизни рўёбга чиқаришда ёнингизда турамыз” – бу Макрон айтган самимий дил сўзларининг айримлари холос. Мазкур фикрлар Карл VI илтифотида ҳар томонлама ўхшаш назаримда.

Олий мартабали меҳмон давлатимиз раҳбари ҳамроҳлигида Самарқандни тунда ҳам, кундузи ҳам сайр қилди. Улуғвор Регистоннинг ҳайбатига ҳайрат билан боқди. Шарқ меъморчилиги дурдонасининг ноёб нақшлари билан қизиқди. Шундай вақтда нега XV асрда Парижда Соҳибқирон шарафига “Европанинг халоскорига” деган ёдгорлик қўйилганини, нечун французлар теурийлар ҳақида кўплаб илмий, бадий асарлар яратганини яна бир бор эслагандир балки. Ахир машҳур ёзувчи Жюль Верн ҳам ўз романида Регистон маҳобатини тўлқинлаб тасвирлагани ҳаммамизга маълум-ку!

Шавкат Мирзиёев ва Эммануэль Макрон “Буюк ипак йўли” халқаро туризм марказидаги “Боқий шаҳар” тарихий-этнографик мажмуасига ҳам бирга бордилар. Шу ернинг ўзида Самарқанд жаҳон цивилизациясининг қадимий бешикларидан бири бўлгани, бугун ҳам халқаро тадбирлар марказига айланиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Ҳам зиёрат, ҳам тижорат деганларидек, Макрон ер юзининг сайқалига фақат саяҳат учун келмади. Аксинча, етакчи компаниялар раҳбарлари, таниқли маданият ва фан арбобларидан иборат нуфузли делегация ҳамроҳлигида икки томонлама манфаатли таклифлар билан ташриф буюрди. Мунтазамлик касб этган олий даражадаги учрашувлар туфайли мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий муносабатлар кенг қамровли тус олгани ҳам шундан.



Ўзбекистон-Франция савдо палатаси ишга тушиши ҳамда Тошкентда “Business France” агентлигининг офисини очиб режалаштирилаётгани ишбилармонларни мамнун қилгани рости. Франциянинг турли шаҳарларидан Самарқанд, Бухоро ва Хивага чартер рейсларни ташкил этган ҳолда сайёҳлар алмашинувини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқиш ташаббуси илгари сурилгани янада қувонарли.

Музокаралар якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Франция Республикаси Президенти Эммануэль Макрон Қўшма баёнот қабул қилдилар. Хужжатда икки давлатнинг ўзаро муносабатларни стратегик шериклик даражасига кўтариш режаси қайд этилган. Ҳамкорликнинг жорий ҳолатига ҳамда турли соҳаларда алоқаларни чуқурлаштириш истиқболларига баҳо берилган, долзарб глобал ва минтақавий муаммоларни биргаликда ҳал қилишга интилиши тасдиқланган. Шунингдек, Президентлар ҳузурида молия, таълим, маданият ва бошқа йўналишлар бўйича 8 та хужжат имзоланди.

Давлатимиз раҳбари 2022 йил ноябрь ойида Францияга расмий ташрифи давомида ишбилармон доираларининг етакчи вакиллари билан учрашган, савдо-иқтисодий ва инвестициявий шерикликни кенгайтириш юзасидан аниқ келишувларга эришилган эди. Самарқанд шаҳридаги қўшма бизнес форуми ана шу учрашув – очик ва конструктив мулоқотнинг давоми бўлди. Унда жаҳонга танилган EDF, Voltalia, Total Energies, Orano, Eiffage, Veolia, SUEZ, Lactalis, Semai, Semmaris, Alstom, Airbus Helicopters, ATR, Vicat, Mobilias, Boehringer Ingelheim, Thales, Aramine, Meridiame, Societe Generale, Natixis каби йирик компания ва банклар раҳбарлари иштирок этди.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон-Франция шериклигини кенгайтириш бўйича тўртта энг устувор йўналишни кўрсатиб ўтди. Мамлакатимиз “яшил” энергетикадек муҳим соҳада стратегик ҳамкорликни ривожлантиришга тайёр эканини таъкидлади. Бу борада “EDF”, “Voltalia” ва “Total Energies” компаниялари билан йирик лойиҳалар бошланган.

Эммануэль Макрон ҳам бизнес форуми иштирокчиларига мурожаат қилди. У Ўзбекистон етакчиси юритаётган оқилона сиёсат туфайли инвестициявий ҳамкорлик учун катта имкониятлар очилганини айтди. Ўзаро манфаатли шерикликда мавжуд улкан салоҳиятни янада фаол ишга солишга чақирди. Франция Президентларидан Франсуа Миттерандан кейин ҳеч қайсиси Ўзбекистонга келмаганини ва бу узоқ танаф-

фус энди тақдорланмаслигини маълум қилди.

Дарҳақиқат, 14 йил давомида давлатни бошқарган Миттеран 1994 йилнинг апрель ойида юртимизга ташриф буюрган ва тарихий шаҳарларимиздан Самарқанд ва Хивани зиёрат қилган эди. Ичанқалъанинг оҳанрабоши туфайли танишув вақти расмий протоколда белгиланганидан анча ошиб кетади ва бу ҳақда унга маълум қилишганида Миттеран шундай жавоб қайтаради: “Хивани бир марта келиб кўрмаган француз француз эмас”.

Уша пайтда Франция Президентига ҳамроҳлик қилган журналистлардан бири, “Либерасьон” газетаси муҳбири Жан-Пьер Тибодат “Ўлимидан олдин Самарқандни бир бориб кўриш Миттераннинг орузи эди ва бу армон бўлиб қолмади”, деб ёзганди...

## ОЛИЙ ОРДЕН МУБОРАК, ЖАНОБ ПРЕЗИДЕНТ!

Эммануэль Макрон билан энг яқин дўстлар каби илқ хайрлашган Шавкат Мирзиёев Самарқанддан тўғри Қозоғистонга, Туркий давлатлар ташкилотининг навбатдаги йиғилишига мезбонлик қилган Остона шаҳрига жўнаб кетди. Мазкур саммитда ҳам савдо-иқтисодиёт, инвестиция, транспорт-коммуникация, экология, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларни янада ривожлантириш каби муҳим масалалар муҳокама-лар марказидан ўрин олди.

Қосим-Жомарт Тоқаев раислигида ўтган тадбирда Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоған, Венгрия Бош вазири Виктор Орбан, Туркман халқининг миллий етакчиси, Туркменистон Халқ Маслаҳати Раиси Гурбангули Бердимухаммадов, шунингдек, ТДТ бош котиби Кубанибек Омуралиев қатнашди.



Ўзбекистон Президенти ўз нутқида бугунги шиддат билан ўзгариб бораётган замонда тили, дини ва юраклари бир-бирига чамбарчас боғланган туркий халқларнинг овози дунё бўйлаб янада баланд, янада кучлироқ янграётганини таъкидлади. **Қадимий турк давлати асосчиларидан бири Билга Хоқоннинг “Эй туркий элим, ўзлгингга қайт, ўзингни англа – янада юксалгайсан!”, деган даъватини эслатиб ўтди.**

– Глобал иқтисодий инқироз кучайиб бораётганига қарамасдан, олиб бораётган тизимли ишларимиз натижасида ўзаро савдо ҳажми ўсмоқда, – деди жумладан Шавкат Мирзиёев. – Ўзбекистоннинг раислиги даврида бизга фаол кўмак кўрсатган барча давлатларга ва ташкилот котибиятига миннатдорлик билдираман.

“Туркий давр” широри остида ўтган саммитда Президентимиз кўп томонлама ва узоқ муддатли алоқаларни янада кенгайтиришга қаратилган олтига йўналишни қамраб олган қатор таклифларни илгари сурди. Хусусан, ташкилот доирасида ўзаро ҳурмат, ишонч ва очиклик тамойилларини мустаҳкамлаш, биргаликда турли тўсиқларни самарали енгиб ўтиш, халқларимизнинг буюк ўтмиши ва бой маданиятини, азалий қадриятларини ифода этадиган “Туркий дунё хартияси”ни ишлаб чиқиш зарурига алоҳида тўхталди.

Экология соҳасида кенг қамровли ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдорлик борасида сўз юритар экан, азалдан аждоқларимиз она табиат билан уйғун ва ҳамоҳанг бўлиб яшаганига эътибор қаратди. Туркий цивилизацияни юксалтириш ғояси технологик тараққиёт ва илғор билимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш билан беvosита боғлиқлигини уқтирди. Янгилликка интилиб яшайдиган, ташаббускор ўғил-қизларни рағбатлантириш учун Ўзбекистонда **Туркий дунё креатив ёшлари марказини** очишни таклиф қилди.

Минг йиллар давомида тарихи ва тақдири туркий элатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган кўпмиллатли Афғонистон заминидан тинчлик ва осойишталик ўрнатиш минтақамизда стратегик барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий шартидир. Бироқ дунёнинг бошқа нуқталарида низо ва урушлар авж олаётган ҳозирги шароитда ушбу муаммо халқаро ҳамжамият эътиборидан тобора четда қолмоқда.

– Афғон халқига инсонпарварлик ёрдами кўрсатишни сусайтирмаслик, бу юртдаги ўткир ижтимоий муаммоларни ҳал этишга қаратилган аниқ механизмларни ишлаб чиқишга чақирамиз, – деди давлатимиз раҳбари. – Бизга минтақавий шериклик ва барча кўшнилари билан иқтисодий ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирок этадиган, тинч ва барқарор Афғонистон керак.

Ушбу саммит доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентига “Туркий дунёнинг олий ордени”ни тантанали топшириш маросими бўлиб ўтди. Шавкат Мирзиёев туркий халқлар оиласининг бирлигини мустаҳкамлашга, туркий мамлакатларнинг манфаатлари ва қарашларини халқаро майдонда фаол илгари суришга кўшган улкан ҳиссаси учун

ана шундай юксак мукофот муносиб кўрилди.

– Бу мукофотни мен биринчи навбатда чинакам биродарлик ришталари асосида янгидан юксалаётган яқин дўстлигимиз ва ҳамкорлигимиз рамзи, деб биламан, – деди маросимда давлатимиз раҳбари ҳамкасбларига миннатдорлик билдирадиган экан. – Барчамизнинг орзу ва мақсадларимиз, интилиш ва ҳаракатларимиз уйғун ва ҳамоҳангдир. Азалдан дўст ва қардош бўлган туркий халқларимиз бундан кейин ҳам аҳил ва ҳамжиҳат бўлиб, ёруғ келажакни биргаликда бунёд этадилар.

## ИХТ САММИТИ: ЎЗБЕКИСТОН ИЛК БОР МЕЗБОН



Нуфузли минтақавий бирлашма саналган Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти (ИХТ) 1985 йилда Техрон шаҳрида ташкил этилган. Мамлакатимиз 1992 йилнинг ноябрь ойидан буён мазкур ташкилотнинг аъзоси ҳисобланади. Ушбу тузилманинг асосий мақсади савдо, инвестициялар, инновациялар, транспорт-коммуникациялар, энергетика, қишлоқ хўжалиги ва саноат каби устувор йўналишларда ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат. Бу эса Ўзбекистон манфаатларига тўла мос келади.

Қўлингиздаги газета саҳифаланаётганда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида ИХТнинг ўн олтинчи саммити бошланди. Ўз аҳамияти жиҳатдан нуфузли тадбирда Озарбайжон, Эрон, Қозоғистон, Қирғизистон, Покистон, Тожикистон, Туркменистон ва Туркиянинг давлат ва ҳукумат раҳбарлари иштирок этмоқда.

Саммит бугун, яъни 9 ноябрь куни ниҳоясига етади. Шундан сўнг олий мартабали меҳмонлар бирин-кетин ўз юртларига жўнаб кетишади. Лекин мамлакатимиз ҳукумати аъзолари пойтахтимизнинг халқаро аэропортидан узоқлашишмайди. Аксинча, яна бир нуфузли меҳмонни кутиб олишади.

Гап шундаки, Италия Президенти Сержо Маттарелла ўз юртининг Осиёдаги истиқболлини мустаҳкамлаш ва ҳозирги халқаро панорамада катта стратегик аҳамиятга эга икки давлат билан ҳамкорлик қилиш мақсадида икки томонлама миссия билан Жанубий Корея ва Ўзбекистонга ташриф буюрмоқда.

Миссия кеча Сеулдан расман бошланди. Ташриф доирасида Жанубий Корея Президенти Юн Сок Ёль билан учрашув, сўнгра расмий делегациялар иштирокидаги музокаралар ўтказилди. Халқаро майдондаги энг қизгин муаммолар, жумладан, Исроил-Фаластин можароси бўйича муҳокама қилинди. Айни шу воқеалар билан боғлиқ ҳолатлар Ўзбекистонда ҳам кенг муҳокама қилиниши кутилмоқда.



Сержо Маттарелла Тошкент шаҳридаги Турин политехника университетиде бўлиши ҳам режалаштирилган. Бундай мулоқотлар иқтисодий ва технологик соҳалардаги ривожланиш ҳамда ҳамкорликнинг янги салоҳиятли йўналишларини баҳолаш имконини беради.

Италия Президентининг ташрифи 11 ноябрь куни Самарқанд шаҳрида яқунланади.

Озод РАЖАБОВ,  
“XXI asr” шарҳловчиси

"ЯШИЛ МАКОН": КУЗГИ МАВСУМ

# ЯХШИДАН БОҒ ҚОЛАДИ



"Ўзбекистон-2030" стратегиясида бошқа долзарб йўналишлар қатори экологик вазиятни барқарорлаштиришга қаратилган "Яшил макон" умуммиллий лойиҳасини янада кенгайтириш устувор мақсадлардан бири сифатида белгиланган.

Ҳар йили 200 миллион туп дарахт экиш орқали республикада яшиллик даражасини 30 фоизга етказиш, ниҳолларни парваришлаш ва суғориш тизимини яратиш, 1984 та боғ, шу жумладан, 112 та йирик саноат корхоналарига туташ ҳудудларда уч йил давомида 30 миллион туп кўчатдан иборат "яшил белбоғ"лар барпо этиш, шаҳар ва туманлар марказларида ҳар 50-100 минг аҳоли учун жамоат паркларини ташкил этиш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш ушбу мақсаднинг асосий мазмунини ташкил этади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев БМТ минбарига туриб, инсоният ҳаётига таҳдид солаётган учта инқироз – иқлим ўзгариши, биохилма-хиллик йўқолиши ва атроф-муҳит ифлосланишини бартараф этишга доир ўта жиддий ташаббусларни илгари сургани бежиз эмас. Бу хайрли ишларнинг амалий ижроси мамлакатимизда "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси сифатида тобора кучаймоқда.

Жорий йилнинг баҳорида Жиззах вилоятида 9 миллион 842 мингта дарахт ва бутта кўчати экиш режалаштирилган эди. Мавсум давомида халқимизнинг сабъ-ҳаракати билан 10 миллион 57 минг кўчат экилди. Шундан ижтимоий соҳа объектларида 634 минг, автомобиль йўллари ёқасида 173 минг, ободонлаштириш объектларида 2 миллион 248 минг, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларида 1861 минг, фермер хўжалиқлари экин майдонлари четларида 2771 минг, ихота сифатида 530 минг ҳамда маҳаллалар ҳудудларида 1838 мингта ниҳол қадалди.

Ибратли аънамага айланган ҳаракат доирасида 25 октябрдан 1 декабрга қадар юртимизда "Кузги дарахт экиш мавсуми" эълон қилинган. "Янги Ўзбекистон – яшил маконда бирга яшайлик!" ғояси остида бошланиб кетган умуммиллий лойиҳадан қутилган мақсад аниқ. У ҳам бўлса, маҳаллаларда, кўча ва гузарларда, ташкилот ва корхоналар, таълим ва тиббиёт муассасалари, йўл четларида бўш турган жойларни боғ-роғларга айлантиришдан иборатдир.

Ҳисоб-китоблар 1 декабрга қадар фермер хўжалиқлари ерларининг бўш турган жойлари ва дала четларида яна 2 миллион 285 минг, олий ўқув юртли бинолари атрофига 105 минг, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига 328 минг, соғлиқни сақлаш муассасалари ҳовлиларига 127 минг туп кўчат экиш имконияти борлигини кўрсатмоқда. Қолаверса, жойларда "Оналар боғи", "Ёшлар боғи" ва бошқа яшил ҳудудлар ташкил қилинмоқда.

Қувонарли томони, жойларда кенг жамоатчилик хайрихоҳлик билан киришган кўчат экиш ишларида партиямиз фаоллари – **О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши раиси, халқ депутатлари вилоят кенгаши Аграр, сув**

хўжалиқлари ва экология масалалари бўйича доимий комиссияси раиси Эркин Холматов, Ўзбекистон Қаҳрамонлари Парда Зиётов ва Анорбой Эшматов, вилоят "Нуронийлар" жамоатчилик кенгаши раиси Норкул Нушаров ва бошқа маслақдош депутатларимиз бош-қош бўлаётган бўлсалар, халқ депутатлари туман (шаҳар) кенгашларидаги халқ ноиблари, партия "Аёллар қаноти", "Ёшлар қаноти" гуруҳи аъзолари алоҳида жонбозлик кўрсатишмоқда.

Масалан, Зомин туманида мазкур лойиҳа доирасида кузги мавсумда 553 минг 200 туп кўчат экиш режалаштирилган. Бу жараёнда маҳаллий кенгашлардаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

Халқ депутатлари вилоят кенгашига мазкур тумандаги "36-Навий" сайлов округидан сайланган Эркин Холматов бошчилигидаги бир гуруҳ партия вакиллари ва экофаоллардан иборат ҳашарчилар "Ёшлик" маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидagi кўчат экиш ишларида жонбозлик кўрсатдилар. Маҳалла ҳудудидa кузги мавсумда 3 минг тупдан ошқ ниҳол экиш белгиланган. Ҳашарчилар маҳалла ҳудудидан ўтган Элобод марказий кўчасидаги йўл ёқасига, 5-умумтаълим мактаби ёнидаги бўш турган ерларга 200 туп мевали ва манзарали дарахт кўчати ўтқаздилар. Эътиборли томони, экилган кўчатларни келгусида суғориш ва парваришлаш ишларига маҳалла ва экофаоллардан иборат масъуллар бириктирилди.

Кўчат экиб, боғ яратиш халқимизнинг улуғ қадриятларидан бири. Шундай экан, ҳар биримиз, жумладан, партия аъзолари, фаолларимиз бу савобли ишда бошқаларга намуна бўлмоғимиз лозим.



**Шерзод МАМАТҚУЛОВ**  
О'zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши аппарат раҳбари



**Шуҳрат АСЛАНОВ,**  
"Шўртан газ кимё мажмуаси"  
МЧЖ Бош директори, О'zLiDeP Қашқадарё вилоят кенгаши раиси

## ҲАМ ТАЯНЧ, ҲАМ СУЯНЧГА АЙЛАНДИК

Ҳар қандай партиянинг ташкил этилиши шу юрт ҳаётида содир бўлаётган ўзгаришлар, янгиликлар, халқнинг хоҳиш-иродаси ва интилишлари билан чамбарчас боғлиқ бўлади. О'zLiDeP бундан йигирма йилча аввал тadbirkorлар ва ишбилармонларнинг ижтимоий қатлам сифатида шаклланиши, уларни ягона маслақ йўлида бирлаштириш, иқтисодий жиҳатдан ривожланишлари, сиёсий иродасини ифода этадиган партияга зарурат сезилганлиги боис ташкил этилган. Унинг етакчи сиёсий куч сифатида мамлакатда ўз ўрнини топишида бизнинг вилоят кенгашимиз фаолларининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлашни истардим. 2003 йилда Қашқадарёда уч минг нафардан ортиқ партия аъзоси бўлган бўлса, бугунги кунда улар сони 108 мингдан ошиб кетди.

Воҳада ишбилармонлар синфини етарли даражада шакллантириш, янги иш бошлаган тadbirkorларни қўллаб-қувватлаш, бизнес соҳасидаги билим ва кўникмаларини, ҳуқуқий, сиёсий саводхонлигини ошириш борасида зимманига юклатилган вазифани ундай олдик десам, муболаға бўлмаса керак. Замонавий технологияларни олиб қирадиган, ўз иқтидорини ишга солиб, янгиликлар яратадиган, аҳолимиз ҳаётини фаровон қилиш, юртимиз раванқи йўлида сидқидилдан меҳнат қиладиган, тафаккури ўзгарган ҳақиқий фидойилардан иборат ишбилармонларни янада кенгрок фаолият юритишлари учун ҳаракат қияляпти. Босиб ўтиб кетган залворли йигирма йил давомида электротимиз вакиллари – тadbirkorларимиз томонидан тўрт юздан ортиқ йирик саноат корхоналари, микрофирма ва МЧЖлар ишга туширилиб, маҳаллий хом ашёни қайта ишлаш асносида ўттиздан ортиқ экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ёшлар ва хотин-қизлар учун миллионга яқин янги иш ўринлари яратилди.

Ўтган сайловларда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлигига қашқадарёлик партия аъзоларидан 4 нафари сайланди, 2 нафари Сенат аъзоси бўлди. Халқ депутатлари вилоят кенгашида 20, шаҳар ва туман кенгашларида 144 нафар депутатимиз фаолият юритаётганини эса ҳудудда О'zLiDePнинг нуфузи йил сайин ортиб бораётганлиги

исботидир. Вакиллик органларидаги депутатлар орқали иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал этишга, бандлик ва халқ фаровонлигини оширишга қаратилган ислохотларни амалга оширишда яқиндан ёрдам бераёلمиз. Депутатлар тез-тез сайловчилар билан учрашиб, таклиф, талаб ва истакларини ўрганиб, уларни қийнаб келаётган муаммоларга ечим топишда ёрдамларини аямаяптилар. Эндиликда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ва уларнинг доимий комиссиялари ташкилий-ҳуқуқий фаолиятини янада такомиллаштириш, депутатлик назоратини кучайтириш, маҳаллий кенгаш депутатларининг жойлардаги Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда Сенати аъзолари билан яқиндан ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, партия депутатлик гуруҳлари фаолиги ва ташаббускорлигини ошириш, уларнинг доимий комиссиялар фаолиятида бевосита иштирокини таъминлаш борасидаги ташкилий партиявий ишларни янада кучайтиряёلمиз. Вилоят, шаҳар ва туманлардаги 17 та депутатлик гуруҳларимиз партиянинг устувор вазифаларидан бўлган янги иш ўринларини яратиш, ишсизликка қарши курашиш, аввало, ёшларни иш билан таъминлашни, профессионал кадрлар тайёрлаш тизимини шакллантириш, кўшимча таълим олиш ва касб ўргатиш соҳасини яхшилаш йўлида ибрат кўрсатишмоқда. Аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, пенсионерлар, айниқса, ногиронлар-

ни ижтимоий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратиляпти.

Бугунги кунда жойларда "Ўзбекистон-2030" стратегиясининг мазмун-моҳиятини электротар вакиллари, аҳолига содда ва тушунарли услубда етказиш, мамлакатимиз тараққиёти учун муҳим бўлган ушбу ҳужжатнинг тарғиботи ва ижросини амалга ошириш юзасидан амалий чоралар қўриляпти. Ўтган даврда кенгашимиз қошидаги Аёллар ва Ёшлар қанотлари гуруҳлари ташаббуси билан вилоят хотин-қизлари ва ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, истеъдодларини кашф этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эзгу мақсадлар йўлидаги ишларга сафарбар этиш борасида самарали фаолият олиб борганлигини алоҳида эътирф этмоқчиман.

Бир сўз билан айтганда, вилоят кенгашимиз бугунги кунда мамлакат сиёсий майдонда ўзининг алоҳида қўлига эга бўлиб қолмасдан, мафкурамиз негизини ташкил этувчи либерал-демократик ғояларнинг жамиятда долзарблиги исботи сифатида аҳолининг кенг қатламларини жалб қилиб, уларни ягона мақсад ва янги режалар сари бирлаштириш йўлида собитқадамлик билан фаолият кўрсатмоқда. Зеро, йигирма йиллик фаолияти мобайнида қизғин курашлардан иборат бўлган сиёсий майдонда О'zLiDeP ўз электротари манфаатларини, аниқ мақсадларга қаратилган ғоясини ҳимоя қилишга қодир бўлган мустаҳкам сиёсий куч эканлигини амалда исботлай олади.

Кутлуг айём арафасида О'zLiDeP вилоят кенгаши ва ҳудудларда партиянинг ташкилий тузилмасини шакллантириш, партия аъзолари сонини кўпайтириш ва уларнинг сиёсий билимларини ошириш, бошланғич ташкилотлар ишини йўлга қўйишда жонбозлик кўрсатган фидойиларимизга ўз миннатдорчилигини билдирмоқчиман. Партияимизнинг барча аъзоларини О'zLiDePнинг 20 йиллиги билан самимий муборакбод этаман.

КУЗ НЕЪМАТЛАРИ

# ХОРАЗМНИНГ ҲАМ АНОРИ БОР...

Варганзаю Кува, Дашнободу Сирдарё анорларининг дувруғи кенг таралган бежиз эмас. Ҳатто улар ҳақида достону кўшиқлар яратилган. Гарчи жуғрофан шимолда жойлашган бўлса-да, Хоразм асрларки, ўзининг мазали, тўйимли, шифобахш анорлари билан машҳур эканини ҳаммамиз ҳам билавермаймиз.

...Уч йил бўлди вилоятнинг шаҳарлараро йўллари ёқаларида кеч қуздан эрта баҳоргача анор шарбати чиқарадиган ва сотадиган тadbirkorлар қатлами пайдо бўлди. Замонавий ускуна ёрдамида сиз олиб борган анорни бир

зумда шарбатга айлантириб беришадди. Яна ўзлари бозордан харид қилган анорларидан шарбат қилиб, йўловчиларга сотишадди. Хизмату маҳсулот нархлари унчалик баландмас. Энг асосийси, алдов йўқ, кўз ўнгингизда ҳар бири пиёладек келадиган анорларни махсус ускунага солиб, чиройли идишга қадоқлаб беришадди.

Табиий маҳсулотга нима етсин! Вилоятнинг Боғот тумани узумчиликка, Гурлан шолчиликка, Ҳазорасп олма етиштиришга ихтисослашган бўлса ҳам анор барча туманларда, жумладан, аҳоли томорқалари ва боғдорчилик фермер хўжалиқларида етиштирилмоқда. Бугун анорзорлар минг гектарга яқинлашиб қолган. Шунинг учун ҳам бозорларда бу табиат неъматни бисёр.

Анор – кузнинг энг сўнгги гўзал меваси. Айниқса, совуғу қировга чидамиллигини айтмайсизми!?

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 27 июлда қабул қилинган "Туризм йўналишидаги ислохотларни янада жадаллаштириш ва соҳада давлат бошқаруви тизимини самарали ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ижроси доирасида юртимизнинг гастрономик туризм салоҳиятини янада кенгрок намоиш этиш ҳамда шу орқали хорижий ва маҳаллий сайёҳлар сонини ошириш мақсадида ўтган ҳафтанинг жума кунини қадим Хива шаҳрида "Анор ҳосили" фестивали ўтказилди.

Ичанқалъа мажмуасида бўлиб ўтган фестивал дастурига биноан боғбонлар етиштирган анорнинг бир

қанча турлари, ундан шарбат тайёрлаш жараёни намоиш қилинди. Айни пайтда фестивалда китоблар кўргазмаси, нон ёпиш, миллий таомлар ва пишириқлар пишириш ҳам ташкил-лаштирилди.


Кун бўйи давом этган ажайиб фестивалда чет эллик сайёҳлар ҳам қатнашиб, табиий анор шарбатларини қизиқиб татиб кўришди.

"Анор ҳосили" фестивали юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам кўтаринки руҳда ўтказилгани, боғбонлар ўз маҳсулотлари рекламасини маромига етказиб адо этганини алоҳида таъкидлаш керак. Энди эса анорчилик мактаблари сафига Хоразмнинг ҳам номи қўшилажагаги шубҳамиз йўқ.

Ўз муҳбиримиз



# “ТЕРМИНАЛ ЙЎҚ, СЛИК БОР!”



# БОР!”

## ЁХУД “ИППОДРОМ” ВА “ТИТАНИК”

### НАЗОРАТЧИ ОРГАНЛАР НАЗОРАТ ҚИЛМАЙДИГАН САВДО МАРКАЗЛАРИМИ?

Яқинларимга совға қилиш учун мавсумбop кийим-кечак олмоқчи бўлиб барвақтига “Ипподром”га йўл олдим (халқ тилида шундай донги кетган, яна “Отчолар” ҳам дейилади, юридик номи “Chilonzor buyurt savdo kompanisi” АЖ). Харидимни тезда қиламану вақтида ишимга боришга ҳам улгурман.

Йўл-йўлакай эсимга тушди, ўзи бу бозорга бормаганимга ўн йилдан ошибди-ёв. У маҳаллари шаҳар марказидаги қулай кийим дўконлари ҳозир-гидек ҳар қадамда бўлмас, интернет магазинлар оммалашмаганди.

Бозор эшигига яқинлашим билан баҳри дилим очилди. Ҳамаёқ тоза, озода. Авваллари тўрт тараф буюмлардан бўшаган қоғоз қути, полиэтилен ўрамалар, pista пўчоғи каби чиқиндиларга тўлиб ётар, уларни оёғинг тагидан тортиб олиш илжинида юрганларлар ҳафсалангни пир қиларди.

Йўқ, ҳозир бутунлай бошқача манзара, ҳар қадамда чиқинди қутилари, тартиб, интизом жойида! Кайфиятим кўтарилиб, истаганларим – чиройли тахлаб қўйилган ёйма раста (дўкон эшигига киришда икки қадамлик жойда қўлбола ясалган)га яқинлашдим.

## ЁЙМАЧИЛАРДА САВДО КАМ БЎЛАДИ...

– Булар қанчадан опа? – болалар жемперни кўрсатиб сўрайман сотувчидан.

– 125 мингдан.  
– 4 та олсам, чегирма қилиб берасизми?

– Майли, биринчи харидор бўлганингиз учун 100 мингдан бераман “почин”га.

Ишим дарров битаётганидан хурсанд ва рози бўлиб пластигимни узатдим.

– Вай-й-й, бизда унақа аппарат йўқ, – чўзаётган қўлини норози бўлибгина қайтариб олди у. – Биз ёймачиларимиз, савдо кам бўлади, терминал дўконларда бўлади, – елкаси оша қўлини кўтариб, кўрсаткич бармоғи билан орқадаги дўконни кўрсатди.

Унинг ўрнига мен хижолат бўлдим. Нақд пулсиз юриш қулайлигига ўрганганим, терминалсиз савдо қилиш қонунга зидлигидан хабардорлигим ҳамда бу каби муаммолар ҳозир учрамайди, барча бозор ва тармоқларда харидлар бемалол нақд пулсиз шаклда бажарилади, деб ўйлаганимдан бундай ахволга тушишим хаёлимга келмабди. Эрталабдан асабини бузмай, деб аёлга эътироз билдирмадим, бундай савдо қилиш мумкин эмас-ку, демадим ҳам. Индамайгина пластик ҳамёнимни қайтариб жойига солдим, маҳсулотни ўзига бердим.

– Синглим, эрталабки савдонини қайтарманг, – кийимини олгиси келмай мўлтиради у. – Ҳозир муаммомас-ку нақд пул қилиш, ҳуув ана дарвоза ёнида банкوماتлар бор.

У қўли билан кўрсатаётган томонга қарамадим, дўконлар сари кетдим...

## “ВАЙ, БИЗДА УНАҚА АППАРАТ ЙЎҚ”.

– Мана бу жемпер қанчадан? – катталар кийимлари илгинган савдо дўкони сотувчисидан сўрайман.

– 350 минг сўм.  
– 300 бўладими?  
– Йў-ўқ, 320 га бераман.  
– Майли, беринг, – сумкамдан қартамни олиб узатаман кийимни пакетга солаётган сотувчига.

– Терминалим йўқ, – деди у бамайлихотир.  
– Нега йўқ?  
– Кеча программа қилгани олиб кетишувди маъмуриятдагилар, – кийимларини илтида давом этди. – Клик қилақолинг, шуям муаммоми? Ҳозир ҳамма шундай қиялпти-ку...

Ундан кейинги дўкон эгасини гапи ҳаммасидан олиб тушди:

– Клик бор, биз терминалга ишламаймиз!  
– Ахир, усиз савдо қилиш мумкин эмас-ку?  
– Ишламаймиз тамом, қопламайди, ойига 800 доллардан ижара тўлаяман, етади!  
Хуллас, ҳар 10 та савдо нуқтасидан 8 тасининг жавоби шу бўлди!..

## “ЁҚМАСА ЧИҚАРИБ ЮБОРИШСИН!”

Қишлоқдан бир танишим илтимос қилган пўримоқ, қимматроқ қишқи уст-бошни ҳар қанча изламай бу бозордан тополмадим.  
– “Абу Сахий” томонга, “Титаник”ка боринг, у ерда шундай маҳсулотлар кўп, топасиз, – деди бир аёлгина. – Ҳув, кўриниб турган баланд бино, ўша “Титаник”.

Бозор оралаб унга ўтдим. Ҳайбатли, кўп қаватли, сирти кўк шисали, ўз ичига автотураргоҳ ҳам бор шекилли, машиналар ўнг қанотидан кириб-чиқиб турибди. Савлатидан машхур кеманинг номини одамлар ўзлари қўйиб олишган

ушбу савдо маркази (“Абу Сахий center”)ни кўрибқўйингиз ёришди. “Анча замонавий экан, шу ердан ишим битади, пойтахт марказларидаги савдо дўконларидек рисоладагидек ишласа керак” дея қадамимни тезлатдим. Кенг ва шинам савдо мажмуаси. Иссиқ ва совуқдаям бирдай мазза қилиб савдо қилиш имкони, ёғин-сочин ё жазирама кунлари сотувчи ҳам, харидор ҳам қийналмайди. Пок-покиза. Ёғ тушса ялагудек.

Аввалги савдо мажмуаси каби дўкон ичи ва ташқариси (ёйма)да олди-сотди авжида. Юқори қаватларига кўтарилиш учун ўзиюрар зиналар мавжуд.

Тўғри иккинчи қаватга кўтарилдим. Илк кирганим дўконданок излагам



### • МАВЗУ БЎЙИЧА ҚОНУНЧИЛИГИМИЗДА

Тадбиркорлик субъектлари томонидан:

• тақдим қилинган харид чекида товарлар (ишлар, хизматлар) номи, миқдори, қиймати (нархи), суммаси, қўшилган қиймат солиғи тўловчиси бўлганда қўшилган қиймат солиғи ставкаси ва суммаси, шунингдек, QR-код ва фискал белги мажбурий тартибда акс эттирилади. Уйбу маълумотлар акс эттирилмаган чеклар ҳақиқий ҳисобланмайди;

• тўлов терминали орқали қабул қилинган тўловлар учун хариддорларга тўлов терминали чеки билан бирга онлайн-НКМ ёки виртуал касса чеки ҳам берилиши шарт.

• Онлайн-НКМ ёки виртуал кассадан фойдаланмасдан товарларни реализация қилиш, ишларни бажариш ва хизматлар кўрсатиш, онлайн-НКМ ёки виртуал касса орқали чек тақдим этмаслик ёки фискал белгига эга бўлмаган чекларни тақдим қилиш – фискал хотирани нazorat-касса машиналарини ёки ҳисоб-китоб терминалларини ишлатиш мажбурий бўлгани ҳолда уларни ишлатмасдан савдонини амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик деб баҳоланади ҳамда қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

“Савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасидagi ҳисоб-китоблар тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда уйбу соҳада жамоatchилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги президент фармони, 2019 йил 6 сентябрь.



нимни топдим! Савдомиз ҳам тез пишди. Ҳеч иккиланмай яна ўша қуриб кетгур “замонавий” қартамни узатдим. Қоши чимирилди сотувчининг. Мени эса ҳайратим ошди жаҳлим аралаш.

– Қайси замонда яшайсиз? Ҳозир ҳеч ким пластикка савдо қилмай қўйган! – ўзича мени койган бўлди.  
– Шундайми? Сизда ростдан терминал йўқми?  
– Йўқ! Нақд пулга савдо қиламиз.  
– Менда эса нақдга сўм йўқ.  
– Ана, биринчи қаватда қаторлаштириб қўйилган банкوماتлар бор, ечиб оласиз.  
– Боргим йўқ!

– Унда майли, клик қиворинг, – столи устидаги катта қоғозга ёзилган рақамларга ишора қилди.

– Нима у клик? – гўлликка соламан ўзимни.

– Вай, шунинг билмасизми? Кўринишингиздан...

– Харидорнинг қандай кўриниши ё нақд пули бўлиши муҳими сизга? Ҳозир мени ўрнимда мана бундай катта ойнали телефон тутмайдиган, тутса ҳам иловаларни юклаб ва пул ўтказмаларини бажаролмайдиган ёши катта онахон-отaxon бўлганда уларга ҳам шу жавобни берармидингиз? Уларни ҳам сарсон қилиб банкوماتга йўлармидингиз? Уларни ҳам билмасликда айблаб, устидан кулармидингиз? Сизга ким берди бу ҳуқуқни?! Ким киритиб қўйди ўзи сизни бу ерга?! Қани менга тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини билдирувчи ҳужжатингизни кўрсатинг-чи?

Азбаройи сабр косамга сўнги томчини қуйган сотувчининг боягина осмонга кўтарилган қошлари жойига эмас, нақд кўзига тушиб қолди.

Осмонга қараган “с”га ўхшаш учли таёғи билан илаётган жемперининг кийим илгичи жойига етмади. Қўллари қалтираганиданми, таёқ-паёғи билан ерга қўлаб тушди.

– М-ммен сотувчиман, холос, дўк-дўкон эгаси эмасман... Унақа ҳужжатларни бил-майман...

Ишга боришим эсимга тушиб, соатимга қарадим, қайтадиган вақтим бўлибди. “Ҳайф сенларга сўз ҳам, шундай шароит ҳам, хизмат ҳам” дея у ердан отилиб чиқдим. Шошаётган бўлсам-да яна умид билан 4-5 магазинга бош суқдим, зора бирортаси “терминал бор” деса! На сўзиди, на столида ундай аппаратга кўзим тушди. Ўзиюрар зинадан биринчи қаватга тушаётиб, менбop дўконга кирдим.

– Келинг, келинг бизда ҳаммаси “оптом”, – қулиб ичкари бошлади эркак сотувчи.

Ҳақиқатан нархлари анчагина арзон экан. Бир-йўла заруримга совға-саломим учун 5-6 та кийимни танладим.

– Эээ, биз терминалга савдо қилмаймиз олажон, – лабини буриб, бир қўлини кўксига қўйиб йўл берган бўлди кўлимдаги тўртбурчак матоҳни кўргач. – Марҳамат, ана, банкومات...

– Терминалсиз савдо қилиш мумкинмаслигини билан



сизми? Қолаверса, харидларим учун фискал чек беришингиз кераклигини ҳам айтишганимни солиқчиларингиз, маъмуриятингиз? Ҳўп, майли, мен ҳозир банкوماتдан пулимни нақдлаштириб келсам, нақд пулда савдо қилдик ҳам дейлик, борми сизда онлайн назорат касса машинаси? Ахир менга барибир кодли чек беришингиз керак-ку? Нима олдим, қачон, қайси соатда, товар номи, суммаси ва ҳоказолар ҳақида маълумотлари бор қоғоз беришингиз шарт, тўғрими? Товарингизда камчилик бўладиган бўлса мен уни қайтариб беришим учун асқотадиган ҳужжат бўлади эртага бу менга, шунинг билмасизми? Сизнинг кунлик савдо айланмангиз хусусида давлат солиқ органлари хабардор бўлиши ва ундан солиқ тўлашингиз, бюджетга ҳисса қўишингиз кераклигини-чи? Униям билмайсизми? Ҳукумат сизларга қанча шароит, имконият яратяпти, ҳалол тадбиркор бўлишингиз учун қанча имтиёзлар қўллаяпти. Сизлар эса бундай имконият, шароитларни очикчасига суиистеъмол қилаётганингиз инсофданми?

– Э, манга ақл ўргатманг, тушундингизми, айтган қоидаларингиз умуман қизиқтирмайди, фақат нақд пулга савдо қиламан, – икки қўлини икки ёнга очиб керилади у. – Ёқмаса мана бу ердан чиқариб юборишсин, пожалуйста... Билдимки, бошқа ортиқча гапим бундай “савдогару дўкончи”ларга ҳайф!

## ШОД ВА НОШОД ЁНМА-ЁН

Чиқши эшиги олдидаги банкوماتлар олдида одамлар гавжми, пластигидан нақд пул ечиш учун навбат кутишарди улар. Турли ёшдаги кишилар, бола кўтарган ё етаклаган жувонлар, қорни очганидан ранги оқариб кетган, емак истаб, онасини кўчага тортиқлаётган болакайлар, банкومات билан муомала қилишни билмаганидан хижолат тортибгина ёшлардан бу ишни бажариб беришини сўраётган кексалар...

Яқингинадаги дўконларга кўзимни ташлайман, савдогарлар қўли-қўлига теғмай нақд пулни шарақлатиб санаб олар, кайфиятлари чоғ эди уларнинг.

Банкومات олдида эса сарсон-саргардон одамлар саф тортиб турарди...

Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА,  
“XXI asr” махсус муҳбири.

### ТАҲРИРИЯТДАН:

Муҳбиримиз ўз мақоласида тилга олган номдор бозорларнинг интернет орқали аҳоли муурожаатлари учун эълон қилган барча телефонларига кўнгироқ қилиб, айнан терминаллар савдоси билан боғлиқ муаммолардан қай даражада хабардор эканликлари ҳақида сўрадик. “Албатта бундай дўкончилар бор, уларга тегишли тартибда чоралар кўрялмиз” деган мужмал жавобларни эшитдик, холос.

Ушбу мавзуда материал тайёрланаётгани ҳақида эшитган бошқа вилоят ва шаҳарлардаги ҳамкасбларимиз, муштарийлар ҳам ўзлари яшаётган ҳудудларда деярли барча савдо дўконлари, бошқа хизмат кўрсатиш шохобчалари (ошхона, кафе ва ҳоказо), деҳқон ва улгуржи бозорларда ҳам терминал ишламаётганидан шикоят қилишди.

Ташвишли томони, аксарият савдо дўконларида халқимизга хизмат кўрсатаётган аксарият шахслар савдо маданияти, солиқ тушунчаси, тадбиркорликка оид тартиб ва қоида(қонун, фармон ва қарорларни қўяверинг)лар ҳақида энг керакли ахборот ёки маълумотларга эга эмаслик кўп ҳолларда аҳолининг норозилигига сабаб бўлмоқда. Кўча-кўй ёки ёйма расталарда савдо қилаётганлар алоҳида мавзу. Лекин катта-катта бозорлар ҳудудида ижарага олинган дўконларда турли маҳсулотлар сотиш билан машғул фуқаролар қатлами умуман назорат қилинмаётганлиги юқоридаги каби оғриқли муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Таҳририят ушбу мавзу юзасидан тегишли идоралардан жавоб кутади. Ва бу ҳақда газетамизнинг кейинги сонларида ҳам муҳокама, мунозаралар давом этади.

ТҮЙХАТ

# ОЛОВИНГИЗ ЎЧМАСИН, ИБОДИНОВ

**Алишер Ибодинов билан 70-йиллар охири 80-йиллар бошида ТошДУ (ҳозирги ЎЗМУ) нинг журналистика факультетида олдинма-кетин ўқиганмиз. Биз Талабалар шаҳарчасидаги ўша машҳур 2-ётоқхонада яшаганмиз.**

Ўша кезлари акамиз ижод майдонида анча тилга тушиб қолганди. Тасаввур қилиш қийин: талабалик давридаёқ биринчи ҳикоялар тўплами чоп этилган ва қўлма-қўл ўқилган эди.

Улуғ адибларимиз Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Асқад Мухторлар назарига тушгани алоҳида мавзу.

Одил ака ҳатто "Алишер ҳақида ўйлар" деган мақола ҳам ёзганидан хабардоримиз. "Ўзбекистон маданияти" газетасида чоп этилган. Ишонсангиз, ўша мақола ҳатто Алишер Ибодиновнинг шов-шув бўлган китобидан ҳам кўпроқ муҳокама бўлган.

Ҳозир сўзма сўз-эслолмайман. Лекин Одил аканинг ёш адиб ижодига берган юксак эътирофи замирида у ўз устида мунтазам ишлаши лозимлиги, ёшликнинг ҳою ҳавасларига чалғиб кетмасайди, деган ҳадик ва иддао ҳам бор эди озорқ.

Қўлимни кўксимга қўйиб айтаманки, улуғ зотлар ярим пирдек олдиндан ниманидир билади, сезади шекилли-да. Ҳа энди талабаликдаёқ китоби чиққан ижодкорлар кам бўларди у маҳаллари. Ётоқхонада базми жамшидлар, эътирофу-эътибор тўлиб-тошиб кетганди-да.

Эраккача айтганда, ака, жа-а унақа давраларга ўч ҳам, маҳтал ҳам эмасди. Атрофида уч-тўртта яхши биродарлари бўлса, тамом, дунёга сиғмай жўшиб, ёниб юрарди. Тоза, самимий, таъбир жоиз бўлса, бироз соддароқ, кўнгил одами эмасми, мақтовларниям кўпам хушламасди...

Алишер ака Холида опамиз (аслида бизга келиноий бўладилар) билан бир курсда ўқиди, севишди, кейин тўйлари бўлди. Олтириққа курсдош талабалар, бир нечта устоз-домлалар тўйга бордик. Орадан бирор ҳафта, ўн кун ўтар-ўтмасдан кейин ёш келин-куёв Тошкентга,



"Вузгородок"даги ётоқхонага қайтишди... Битта хонага жойлашишди, бирга яшай бошлашди. Илгари ётоқхонада эр-хотинлар яшамагани учунми, бу ҳаммага қизиқ, айримларга ғалати туюларди.

Йўқ, бўларкан, бўлавераркан. Опамизга бироз қийин бўлди холос, сирасини айтганда, акамиз ҳам жа-а унақа оҳанжамаларга эътиборсизроқ, бефарқроқ, одмигина одам эдилар-да. Барибир оилавий ҳаёт бошқача экан-да, бир пасда Ибодиновнинг ранг-рўйлари ўзгариб, уст-бошлари текис, оҳорли бўлиб қолди. Лекин ўзи ўзгармади – очик феъл, ҳазил-хузул, ён-веридидагиларга эътиборлигича қолди.

Асли қашқадарёлик бўлган Холида янгамиз ҳам зўр чиқди: қайсаргина акамизни яхши маънода тўғри йўлга солди-қўйди, тартибли хўжайинга айланди. Илгариги ўйинқароқликлар, базму жамшидлар йўқ. Мансур Шомуродов (Оллоҳ раҳмат қилсин) деган мендан ёши каттароқ ака билан бир хонада яшаймиз денг. Аслида уч талабага мўлжалланган хонада икковимиз тураимиз. Анқонинг уруғи бўлмиш рангли телевизор, диван, музлатгич... Ётоқхонада бошқа ҳеч кимда йўқ матоҳлар бизда мухайё. Алишер ака ҳам бизнинг ёнимизда кунда-шунда, кетгиси келмасди аввал. Ҳар куни гурунги, баҳх-мунозаралар тинмасди. Охири...

Бирданига ҳаммасига нуқта қўйилди. Аниқроғи,

акамиз жуда сипойи бўлиб қолдию...лекин оралатиб, пойлаб 10-15 дақиқа "чайлашиб" олардик-да, тезда хайрлашардик.

Уч-тўрт толиблар ҳар куни эрталаб ёнимиздаги стадионда ўзимизча спорт билан шуғулланардик. Кимдир неча мартадир айланиб югурарди, яна биримиз турникда машқ қилардик, бошқамиз яна нима биландир машғул эдик. Машғулдан сўнг акамизни безовта қилмасдан секин дарсга жўнардик.

Бир куни Холида янгамиз мени ёнига чақириб, "Акаларингиз стадионга олиб чиқсанглар бўлмайми, спорт билан шуғуллансин, югурсин ҳеч бўлмаса" деб қолди ва эртаси куни тонг маҳали эшикни тақиллатдик. Ҳадеганда чиқавермади. Нақ ўн беш дақиқадан сўнг...машҳур Ибодинов одмироқ чолворда, елкаларига эски қадрдон тўнларини ташлаб чиқиб келди. Майдонга боргач, енгил чигил ёзди машқларидан кейин одатда стадионни тўрт марта айланиб югурардик. Алишер ака бўлса турли машқларда номигагина қатнашган бўлади-да, чопиш бошланган маҳал "Майли, сизлар бориб келаверинглар, мен сизларни назорат қиламан" деб қўяди кулиб.

Машғул тугагач, хоналаримизга яқинлашганда худди ҳориб, чарчаган одамдек ҳансираб-ҳансираб нафас олганча ичкарига кириб кетарди. Ортидан роса кулиб қолардик...

Ўқишни битиргач, иккиси тўғри Олтириққа жўнаб кетишди. Шу-шу водийдан узилиб кетолмади. Неча марта энг нуфузли газета-журнал, нашриётларга ишга таклиф этилса-да, Алишер Ибодинов ўзининг қадрдон Эски Араб қишлоғида яшай ижод қилишни афзал кўрди. Холида опа ҳам қатор нуфузли вазифаларда сидқидилдан ҳалол хизмат қилди. Фарзандлари ҳам бугун эл севган ота-оналари ишончини оқлашяпти.

Таникли ёзувчи Алишер Ибодиновнинг ўнга яқин китоби бизнинг нашриётда чоп этилди. Таъбир жоиз бўлса, бир нечтаси қайта-қайта босилганининг ўзи адибнинг қалами, обрўси юртимизда баланд эканидан дарак беради. Ўзининг халқчил ижоди билан ўқувчилар эътиборини қозонган адибнинг самарали хизматлари давлатимиз томонидан муносиб баҳолалиб, "Меҳнат шухрати" ордени билан тақдирланган.

Мен адабиётшунос эмасман, лекин бир оддий ўқувчи сифатида унинг шу вақтгача элдошларимизга тақдим этган маҳорат билан ёзилган ва айтиш мумкинки, бадиий жиҳатдан бакуват ва халқона асарлари таҳлил ва тадқиқ этилишини чин дилдан истаиман. Чунки улкан адибнинг ижоди ҳали очилмаган хазинадир. Ҳозир ҳам унинг яна бир неча теша тегмаган асарлари қўл ёзма ҳолида турганига шубҳам йўқ.

Очиғи, мухтасар сўзим якунида кўнглимнинг бир чеккасида турган иштибоҳни айтмасам бўлмас: у ҳам бўлса бундан икки йилча олдин сеvimли ёзувчимиз қаламига мансуб "Худоёрхоннинг сўнги кунлари" китобининг 1-қисмини чоп этган эдик. Жамоатчилик жуда самимий баҳо берганди. Қўлма-қўл бўлиб ўқилди ҳам. Ҳозир "Шарқ зёкори" дўконимизда ана шу китобдан бир дона ҳам қолмади. Бу, албатта, биз ноширлар учун зўр янгилик. Лекин китобнинг охирида "1-китоб тугади. Давоми бор" деб ёзилгани учун зўроқ китобхонлар "Қани иккинчи китоб" деб қўйишмаяпти.

Алишер ака, яқинлашиб келаётган қутлуғ етмишинчи кузингиз билан чин юракдан сизни қутлаяману, ноширлигимга бориб, ўқувчиларимиз илтимосини ҳам етказмоқни ўзимнинг бурчим деб ҳисоблайман ва ана шу бошлаган савобли ишларни охирига етказиб қўйлик, демокчиман. Инимиз, китобхонлар олдида сизнинг ҳам, бизнинг ҳам юзимиз ёруғ бўлсин.

Юракдаги ёрқин, нурли оловингиз ("Қуёш ҳам олов" асарига ишора) ҳеч қачон ўчмасин!

**Аҳрор АҲМЕДОВ,**  
**"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик**  
**компанияси Бош муҳаррири,**  
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист**

ОЙНА

## “САҲНАЛАШТИРИЛАЁТГАН ДАСТУРЛАР”

### ТАНАЗЗУДАН ЎЗГА НАРСА ЭМАС

**Бу мулоҳазаларимни ёзишни ўн кунлар олдин ўйлагандим. Ишлар кўплигидан вақт бўлмади-ми, хуллас эсимдан чиқди. Бугун ижтимоий тармоқларда хо-размлик бир ўқитувчининг бола-ни ураётган видеосини кўриб, яна эсимга тушди.**

...Ишга кетаётганим маршрутқада бир талаба қиз дугонаси билан овозини баралла қўйиб гаплашиб борарди. Гапнинг мазмунидан англашилдики, дугонаси назорат баҳолашдан "2" олган. Юз минг сўм сарфлаб, нималарнидир компьютердан чиқартириб тайёрлагану, "3" ҳам ололмади, хунук баҳо олган. Буни эшитган ёнидагиси эса дугонасига домлани "қўзини ўйиб, баҳо қўйдириш" (талаба тилидан

ёзилди) йўлини ўргатди.

Эшитинг: "Биз мактабда бирор ўқитувчи кўполлик қилса ёки паст баҳо қўйса, қизлар билан келишиб, бир дарсда атай жаҳлини чиқарамиз. Уни бақаришга, қўл кўтаришга мажбур қилардик, кимдир видеога оларди. Бир ўқитувчимизни шундай қилиб ишдан бўшаттирдик. Энди университетда ҳам шу усулни қўллаш ва шу йўл билан домлани кўрқитиб, баҳо қўйдириб олиш керак. Сен дарсда унинг жаҳлини чиқар, мен видеога оламан телефонда. Кейин ўзига кўрсатиб, баҳо қўйиб беришини талаб қиламиз, қўймаса деканга кириб, йўқот бунни, йўқса интернетга чиқариб юборишимизни айтаемиз"...

Ё алҳазар! Ҳайратдан ёқа ушладим. Шугина ёш қизларнинг ҳаётдан ўрганганлари ҳозирдан шантажлик

бўлдими, деб қотиб қолдим. Ишонаверинг, ҳеч бир ўқитувчи беҳудага қўл кўтармайди болага. Қўл кўтаришга мажбур бўладиган ҳолга солишадими уни.

Ўқитувчининг ҳурматини, мавқеини кўтармас эканмиз, илмисиз, жоҳил бир авлод етишиб, жамият таназзулга учрайди. Келажакдаги ёруғ умидларимиз юзига қора парда тортилади.

Фақат ўқитувчи ва директорни бўшатган билан муаммо ҳал бўлмайди. Жараёндаги ҳақиқат йўққа чиқши мумкин. Уларнинг ўрнига келган ўқитувчи, янги директор эса дарс сифатини тиклашга эмас, тинч юришга ҳаракат қилади.

**Шоира ШАМС,**  
**Хоразм вилояти**



MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARONLAR HARAKATI –  
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



**Бош муҳаррир**  
**Норқобил ЖАЛИЛОВ**

**Таҳрир хайъати:**  
Ақтам ХАЙТОВ  
Дилшод ШОУМАРОВ  
Шухрат БАҒОЕВ  
Мавлуда ХУҲАЕВА

Сирожиiddин САЙИД  
Адҳам ШОДМОНОВ  
Виктор ПАК  
Насимжон АЛИМОВ

Таҳрират манзили:  
Тошкент шаҳри  
Нукус кўчаси 73А-уй.

электрон почта:  
xxi\_asr@mail.uz  
xxi\_asr@mail.ru



Телефонлар:  
қабулхона –  
71 215-63-80  
(тел./факс).  
Обуна ва реклама  
бўлими –  
71 255-68-50.

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси  
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот  
агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан  
рўйхатдан ўтказилган.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили:  
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.  
Газета офсет усулида, А-2 форматда  
босилди. Ҳажми – 3 босма табақ.  
Буюртма рақами: Г – 1145  
Адади: 9145  
Баҳоси келишилган нархда.  
Топширилди – 18:40

Таҳриратга келган қўлёмалар тақриз  
қилинмайди ва муаллифларга  
қайтарилмайди.

© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба  
сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳрират нуктаи  
назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳрират компьютер марказида  
терилди ҳамда дизайнёр

**Маъруфжон Раҳмонов**  
томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X



**НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406**  
**1 2 3 4 5 6**

Навбатчи муҳаррир:  
**Озод РАҲАБОВ**